

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
Мухандис техника факультети
«Геодезия, картография ва кадастр» кафедраси**

«Ер тузиш ва ер кадастри» бакалавр даражасини олиш учун
**Косон туманидаги “Улуғбек” массивида суғориладиган ерларни иқтисодий
баҳолаш мавзусида**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Ишни бажарувчи:
Рахбар:**

**Ф.Тоиров
М. Бозоров**

Маслахатчи

**«Химояга рухсат этилди»
Кафедра мудири**

«_____» _____ 2014 й

**«Химоя учун ДАК га юборилди»
Факультет декани**

_____ доц.М.Алиқулов
«_____» _____ 2014 й

Қарши 2014 йил

Тасдиқлайман»
« ГК ва К » кафедраси мудири
Г.Аликулов
« _____ » _____ 2014 й.

1.Талабанинг фамилияси исми шарифи: Тоиров Феруз Тулкинович

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ УЧУН ТОПШИРИК

БМИ нинг мавзуси Косон туманидаги Улуғбек номли массивида суғориладиган ерларни иқтисодий баҳолаш.

« 6 » декабр 2013 йил Институт буйруғи билан тасдиқланган

2.Тайёрланган битирув малакавий ишини топшириш муддати

21 июн 2014 й

3.БМИ учун берилган маълумотлар

Ишлаб чиқариш амалиёти даврида йиғилган маълумотлар ва материаллар.

4.Хисоблаш тушунтириш ёзувининг мазмуни

Кириш. Массив жойлашган ҳудуднинг табиий, ижтимоий ва иқтисодий шароитлари тавсифи. Ер ҳисобини юритиш ва суғориладиган ерларни иқтисодий баҳолашнинг мазмуни ва моҳияти. Ер ҳисобини юритиш ва суғориладиган ерларни баҳолашнинг натижалари. Лойиҳани иқтисодий ва экологик асослаш. 5. Хулоса. 6. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

5.Кўргазмали чизма материалларининг номлари (чизма номлари аник курсатилсин)

Улуғбек»номли массивнинг ер турларини жойлашув тархи

Тупроқ харитаси

Ер баҳолаш харитаси

Лойиҳанинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари жадвали

6.БМИ қисмлари буйича маслаҳат берувчилар :

Т.р	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи	Имзо. Сана	
			Топшириқ берилди	Топшириқ бажарилди
1	2	3	4	5
1	Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари			

7. Битирув ишини бажариш режаси.

Т. р	Битирув иши босқичларининг номи	Бажариш муддати			Текширувдан ўтганлик муддати
		сана	куни	%	
1	Топшириқ олиш ва БМИ дастурини тузиш	2.04 5.04	4	7,4	
2	I боб. Массив жойлашган худуднинг табиий, ижтимоий ва иқтисодий шароитлари тавсифи	6.04 10.04	5	16,7	
3	Массивнинг ер ва экин турлари жойлашиш тарҳини чизиш	11.04 17.04	7	29,7	
4	II боб. . Ер ҳисобини юритиш ва суғориладиган ерларни иқтисодий боҳолашнинг мазмунини ва моҳияти.	18.04 28.04	11	49,7	
5	Чизмаларни чизиш.	29.04 10.05	13	73,8	
6	III боб Ер ҳисобини юритиш ва суғориладиган ерларни баҳолашнинг натижалари.				
7	Лойиҳани иқтисодий ва экологик асослаш	11.05 15.05	5	83,1	
8	Лойиҳанинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари жадвалини тузиш.	16.05 18.05	3	88,7	
9	Фойдаланилган адабиётлар рўйхатини тузиш.	19.05 22.05	3	94,3	
	БМИни расмийлаштириш ва кафедрага топшириш.	23.05 25.05	3	100	

Битирув иши раҳбари.

доц. М.Бозоров

Топшириқни бажаришга олдим

Топшириқ берилган вақти

“ _____ ” _____ 2014 йил

МУНДАРИЖА

т/р.	Битирув малакавий ишининг таркибий қисмлари	Бетлар
1.	Топшириқ ва тақвимий режа	
2.	Ишчи дастур	
3.	Кириш	
4.	1-БОБ. Массив тўғрисида умумий маълумотлар	
5.	2-БОБ. Ер ҳисобини юритиш ва суғориладиган ерларни иқтисодий баҳолашнинг мазмуни ва моҳияти	
6.	3-БОБ. Ер ҳисобини юритиш ва суғориладиган ерларни баҳолашнинг натижалари	
7.	Хулоса	
8.	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	
9.	Иловалар	

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлиги**
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
Мухандис техника факультети

«Тасдиқлайман»
«ГК ва К» кафедраси
мудир

«_____» _____ 2014

й.

“Косон туманидаги “Улуғбек” массивида суғориладиган ерларни
иқтисодий баҳолаш” мавзусида бажариладиган малакавий битирув
ишининг

ИШЧИ ДАСТУРИ

Бажарувчи:

Ф.Тоиров

Рахбар:

М. Бозоров

ҚАРШИ – 2014

Кириш.

1. Давлат ер кадастрининг моҳияти, мақсади ва вазифалари.
2. Ер кадастри юритишнинг ҳуқуқий асослари.
3. Битирув малакавий ишининг объекти ва мақсади.

1.Боб Массив тўғрисида умумий маълумотлар

1.1 Массив тўғрисида умумий маълумотлар

1.2. Массивнинг табиий ва иқтисодий шароитлари

Тупроқ тавсифи.

Аҳоли яшаш жойлари тавсифи.

2-Боб Ер ҳисобини юритиш ва суғориладиган ерларни иқтисодий боҳолашнинг мазмуни ва моҳияти

2.1 Қишлоқ хўжалиги корхонасида ер ҳисобини юритиш тартиби

2.2 Ер ҳисобини юритишда давлат назоратини ташкил этиш

2.3. Ерларни иқтисодий (меъёрий) баҳолашнинг моҳияти ва мақсади.

2.4. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнингмеъёрий баҳосини ҳисоблаш тартиби.

2.5 Электр токидан жароҳатланишнинг олдини олиш усуллари

3-Боб Ер ҳисобини юритиш ва суғориладиган ерларни баҳолашнинг натижалари

3.1 Улугбек массивда суғориладиган ерларни ҳисобини юритиш.

3.2 Улугбекмассив ҳудудида ер ҳисобини ўтказиш

3.3 Суғориладиган ерларнинг меъёрий баҳосини ҳисоблаш.

3.4 Улугбекмассивда суғориладиган ерларни иқтисодий (меъёрий) баҳолаш натижалари.

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Иловалар.

Кириш

Республикамизда давлат ер кадастри ерларнинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий тартиби, уларнинг тоифалари, сифат кўрсаткичлари ва қиймати, ер участкаларининг жойлашган ўрни ва ўлчамлари тўғрисидаги, ишончли маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат.

Давлат ер кадастри ер муносабатларини тартибга солиш, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер тузиш ишларини ташкил этиш, ер тузиш, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорларини асослаш хўжалик фаолиятига баҳо бериш, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорликларини режалаштиришда, ер тузишда ва умуман ердан фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ бўлган барча масалаларни ҳал қилишда кенг қўлланилади. Ер ҳисоби ишларнинг натижалари халқ хўжалигини ривожлантириш режасини тузишда, биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ва унга бўлган эҳтиёжини аниқлашда катта аҳамиятга эгадир.

Ушбу битирув малакавий ишда Косон тумани Улугбек массиви ҳудудидаги ер ресурслари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишда, статистика, ва картография услубларидан фойдаланилди. Шу нуқтаи назардан ҳам ер ҳисоботини доимий юритиб бориш, унда мавжуд ерлар кимга тегишлилиги, ундан қай тарзда фойдаланилаётганлиги тўғрисида маълумотлар тўплаб бориш муҳим амалий аҳамият касб этади. Ер ҳисоботи (баланси) ер ҳисоби асосида тузилади. Суғориладиган ерларни сифат жиҳатидан ҳисоб қилишнинг вазифаси тупроқ қатлами ҳамда ер-мулклиги, ер эгалиги ва ердан фойдаланишлар нуқтаи назардан ер турларини табиий мелоратив ва хўжалик ҳолатига ҳар томонлама тавфсиф беришдан иборатдир.

Суғориладиган ерларни иқтисодий баҳолаш-бу махсус иқтисодий кўрсаткичлар асосида ер майдонларини иқтисодий жиҳатдан самарадорлик хусусиятини, уларнинг иқтисодий унумдорлик қиймат жиҳатидан ўлчашдир. Ер майдонларини иқтисодий жиҳатдан баҳолашда ердан фойдаланишнинг табиий, иқлимий, хўжалик ва технологик шароитлар бутун бир мажмуа тарзда ҳисобга олинади. Ҳозирги даврга келиб ерларни сифатий ва иқтисодий баҳолаш ишлари айрим соҳалар бўйича зарур бўлган маълумотларни олиш учун етарли бўлмай қолди. Бунга республикамызда амалга оширилаётган қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотлар талабларидан келиб чиқиб ёндашиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикасында қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирларига «Ўздаверлойиҳа» институти Ер кадастри филиали томонидан «Ўзбекистон Республикасында қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни сифати, иқтисодий ва қиймат баҳосини аниқлашнинг муваққат услуги» (1998) дастури ишлаб чиқилди. Шунинг таъкидлаб ўтиш мумкинки, ернинг қиймат баҳоси жуда кенг миқёсда қўлланилади. Жумладан, ер солиғи ва ягона ер солиғи ставкаларини белгилашда ерларни иқтисодий баҳоси асос қилиб олинади.

Малакавий битирув ишининг объекти ва мақсади.

Ўқиш давридаги назарий билимларни услубий ва амалий жиҳатдан қўллаш кўникмаларини ҳосил қилиш учун ер ҳисобини юритиш суғориладиган ерларни иқтисодий (меъёрий) баҳолаш ишларини такомиллаштириш масалаларини кўриб чиқиш асосий мақсад қилиб олинган. Малакавий битирув ишини бажариш учун Кашкадарё вилояти Косон туманидаги Улугбек массивининг суғориладиган ерлари асосий объект қилиб танланди.

Малакавий битирув ишини бажариш учун амалиёт даврида тўпланган материаллар, меъёрий ҳужжатлар, махсус адабиётлар ва бошқа манбалардан фойдаланилди.

1-БОБ

1.1. Массив тўғрисида умумий маълумотлар

«Улугбек» номли массиви Косон туманининг шимолий қисмида жойлашган. Массив шимол ва шарқдан Й.Охунбобоев номли массив ерлари билан, жанубдан Косон шаҳри ва У. Дониёров номли массив ерлари билан, ғарбдан Т.Бердиев номли массив ерлари билан чегарадош. Массивнинг умумий майдони 1339,4 га ни ташкил этади. Массивнинг асосий йўналиши деҳқончилик бўлиб, унда асосий экин майдонини пахта ва дон ташкил этиб, экинлар таркибида пахта энг юқори ўрин тутди. Қўшимча равишда ем-хашак экинлари етиштириш шунингдек, боғдорчилик узумчилиқни ривожлантириш кўзда тутилган. Чорвачилиқда эса қорамолчилиқни ривожлантириш йўлга қўйилган. Массив вилоят маркази ва туман марказлари ҳамда маҳсулот қабул қилиш пунктлари билан асфальтланган йўллар билан боғланган. Массивдан туман марказигача масофа 7 километрни ташкил этади. Шу билан бир қаторда массивнинг келгусидаги ривожланиш истиқболларини белгилаш, уларни аниқлаш учун биринчи навбатда ҳудуднинг табиий, ижтимоий ва иқтисодий шароитларини ҳар жиҳатдан чуқур билиш, лойиҳада қабул қилинадиган ечимларни ҳар томнлама асослашда катта аҳамиятга эга.

1.2. Массивнинг табиий ва иқтисодий шароитлари

Иқлими тавсифи. Иқлим шароитлари бўйича массив худуди тоғ олди ярим чўл зонасига киради. Иқлимнинг алоҳида кўрсаткичлари ёғингарчилик миқдорининг камлиги, ёздаги ҳароратнинг юқори бўлиши, қиш ойларида ҳароратнинг пасайиши, ҳавонинг қуруқлиги ва буғланишнинг юқорилигидир.

Январда ўртача ойлик ҳарорат 1,3 градиусни ташкил этади.

Ҳавонинг энг совуқ ҳарорати -23-25 градиус. Совуқ бўлмаган вақт 230-250 кундир. Ёз ойи жазирама. Июлда ўртача ойлик ҳаво ҳарорати 25,1 градиусдир. Ҳавонинг энг иссиқ ҳарорати 44 -46 градиусни ташкил этади. Йил бўлаб 11 кун қаттиқ шамол (секундига 15 метрдан ортиқ) эсади. Вегетация даврида чангли бўрон, гармсил бўлади.

Йиллик ёғингарчилик 438 мм.

Қуйидаги 1 жадвалда иқлимнинг асосий кўрсаткичлари келтирилган

1- жадвал

Косон метеостанциясининг маълумотларига кўра йил ва ойлар бўйича ҳарорат

Ҳарорат	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XI	Йил
Ўртача	1,3	5,0	10,5	16,7	22,9	26,8	29,0	27,3	21,4	15,4	9,8	5,2	15,9
Юқор	20	25	32	34	44	45	46	43	41	37	30	26	46
и	-25	-17	-14	-2	4	10	13	12	2	-7	-14	-20	-25
Паст													

2-жадвал

Косон метеостанциясининг маълумотларига кўра йил ва ойлар бўйича

Ўғингарчилик миқдори, мм

Метеостан- ция номи	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	Йил
Косон	26	27	36	21	14	1	0	0	0	4	11	24	164

3- жадвал

Косон метеостанциясининг маълумотларига кўра йил ва ойлар бўйича
шамолнинг тезлиги

Метеостан- ция номи	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	Йил
Косон	0,4	1,3	1,7	1,1	0,9	0,9	0,1	0,04	0	0,2	0,3	0,3	7

Рельефи тавсифи. Массивнинг рельефи асосан текисликдан иборат бўлиб, шимолга ва шимолий ғарбга қараб кучсиз тўлқинсимон қияликдан иборат. Узоқ муддатли суғориш ва агротехника натижасида рельеф ўзининг антропоген кўринишини олган.

4- жадвал

Косон метеостанциясининг маълумотларига кўра йил ва ойлар бўйича шамолнинг йўналиши

Ойлар	Ш	ШШқ	Шқ	ЖШқ	Ж	ЖҒ	Ғ	ШҒ
I	18	7	4	17	7	3	1	43
II	17	8	6	18	5	3	2	41
III	16	11	7	20	7	4	2	33
IV	18	7	6	21	7	4	3	34
V	21	6	5	12	7	5	4	40
VI	20	3	4	12	8	4	4	45
VII	18	1	3	16	6	4	3	49
VIII	20	2	2	16	6	4	2	48
IX	18	2	2	14	9	3	2	50
X	17	1	2	15	8	3	1	53
XI	16	3	3	20	9	3	1	45

XI	16	7	3	19	7	4	2	42
Йил	18	5	4	17	7	4	2	43

Массив қуйидаги геоморфологик ажратмада жойлашаган: аллювиал-пролювиал ётқизиклардан ташкил топган, тоғ олди ярим чул зонасидаги текисликдан иборат, рельефи бўйича текислик ва кам нишабли паст-баландликдир. Механик таркиби бўйича ўрта ва оғир қумоқлардан иборат. Грунтлари кучсиз, ўртача ва кучли шўрланган.

Ер ости сувлари. Массив ҳудудида каналлар, суғориш тармоқлари ва зовурлар бор. Тупроқ текшириш ишлари олиб борилганда сизот сувларининг чуқурлиги 1,5-2 м ташкил этган.

Йил мобайнида сизот сувларининг чуқурлиги ўзгариб туради. Сизот сувлари юқорига кўтариладиган вақт - бу вегетацион суғориш давридир, яъни баҳор - ёз ойларида. Сизот сувларини асосан суғориш тармоқлари орқали филтрланган сувлар ва юқорирода жойлашган тоғ олдиларининг ер ости сувлари тўлдириб туради. Хўжаликда сизот сувларининг сатҳи зовурлар орқали пасайтириб турилади.

Тупроғи тавсифи. Хўжалик тупроқлари тоғ олди ярим чўл зонаси Марказий Осиё провинцияси оч тусли бўз тупроқлар пояси Қашқадарё дельтасини юқори қисми аллювиаль-пролювиаль ётқизикли суғориладиган ўтлоқи тупроқлардан иборат.

Сифати бўйича яхши тупроқларга янгидан суғориладиган ўрта маданийлашган, сифати ўртадан паст бўлган тупроқлага кам маданийлашган тупроқлар киради.

1.3.Ирригация ва мелиорация тармоқлари тавсифи

Суғориладиган минтақаларда ирригация ва мелиорация шаҳобчалари туғрисидаги тўла маълумотларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга. «Улугбек» номли массивининг далалари суғориш тармоқлари билан яхши таъминланган. Асосий суғориш тармоғи КМК канали ҳисобланади.

Суғориш тармоқлари ва зовурлар 76,2 га ни ташкил этади. Массивдаги суғориш тармоқларининг асосий камчилиги шундан иборатки, бу каналлар ердан қазилган, инженерлик тармоқлари билан таъминланган. Каналларнинг ерда қазилганлиги вегетация даврида ортиқча, кўп миқдорда сув исроф бўлишига олиб келади. Массивдаги суғориш тармоқларининг ўртача фойдали иш коэффициенти 0,65 – 0,7 ни ташкил қилади. Умумий тақсимланган сувнинг 30 – 35 % ер остига сингади. Хўжаликнинг баъзи участкаларида мавжуд бўлган майда – майда суғориш тармоқларининг мавжудлиги, далалар сатҳининг кичиклиги, далалар тузилишининг нотўғрилиги сувнинг кўп миқдорда сарф бўлишига сабаб бўлмоқда. Ер ости сувларини йиғич – мелиоратив тармоқлар, яъни захкашлардир. Далачилик ривожланишининг асоси захкашдир. Захкашлар хўжалик ерлари мелиоратив ҳолатини яхшилаб туришда рол ўйнайди.

Тупроқ экспликацияси

Тупроқ номи	Тупроқ айирмаларининг тартиб рақами	Ўзлаштирилганлик даври ва маданийлашганлик даражаси	Шўрланиш даражаси	Механик таркиби		Сизот сувлар и чуқурлиги	Баните т балли	Майдони, га
				0-30 см	100-200 см			
1	2	3	4	5	6	7	8	9
Суғориладиган ўтлоқи тупроқлар	1	Янгидан суғориладиган ўрта маданийлашган	Шўрланмаган	Ўрта кумоқли	Оғир кумоқли	3-5	60	213
	2	Янгидан суғориладиган кам маданийлашган	Кам шўрланган	Оғир кумоқли	Оғир кумоқли	2-3	54	390
	3	Янгидан суғориладиган кам маданийлашган	Ўрта шўрланган	Оғир кумоқли	Оғир кумоқли	2-3	45	310,1
	4	Баҳоланмаган ерлар						426,3
Жами								1339.4
Ўртача		ҳисобланган		балл	52			балл.

1.4.Аҳоли яшаш жойлари тавсифи

Массивнинг умумий аҳолиси 4600 одамни ташкил қилади. Аҳоли-нинг асосий қисми кишлоғида истиқомат қилади. Массивда 3 та кишлоқ бўлиб, марказий кишлоқ «Улутбек» номли , ёрдамчи кишлоқлар кишлоқларидир. Бу кишлоқлар бир – бирлари билан яхши йўл алоқасига эга. Кишлоқлардаги аҳоли сони ҳамда кишлоқларнинг ободонлаштирилганлик даражаси қуйидаги жадвалда келтирилган

6-жадвал

Массивдаги аҳоли яшаш жойлари тавсифи

Қишлоқлар номи	Оила-лар сони	Аҳоли сони		Маданий маиший бино ва иншоотлар	Ободонлаштириш	Бириктирилган ер майдони, га	Бажарадиган вазифаси
		ҳам-маси	меҳнат-га яроқ-ли				
	647	3235	1488	Ўйингоҳ, болалар боғчаси, мактаб, дўкон, дорихона, идора, клуб, ҚВП	электр-лашган, газлашган	101,1	Марказий кишлоқ
	187	935	430	мактаб, дўкон, болалар боғчаси	электр-лашган, газлашган	29,3	ёрдамчи кишлоқ
	86	430	198	дўкон, омборхона	электр-лашган, газлашган	13,4	ёрдамчи кишлоқ
Жами	920	4600	2116			143,8	

1.5. Ердан фойдаланиш тавсифи.

2011 йил 1 январ ҳолатига нисбатан Давлат далалатномасига мувофиқ «Улутбек» номли массиви чегарасидаги жами ерлар майдони 1339,4 га ни ташкил қилиб массивга 1230,6 га ер майдони бириктирилган. Массив ер фондининг ер турлари бўйича тақсимланиши тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги 7- жадвалда келтирилган.

7-жадвал

Совжирон массивининг ер фонди

Т/р	Ер турлари	Майдони		
		Гектар	Умумий майдонга нисбатан, % ҳисобида	Қишлоқ хўжалик ерларига нисбатан, % ҳисобида
1.	Ҳайдалма ерлар: Суғориладиган	885,6	71,96	90,47
2.	Дарахтзорлар: Шу жумлдан: Боғлар Узумзор Тутзорлар	27,5 4,6 11,2 11,7	 0,37 0,91 0,95	 0,47 1,14 1,20
3.	Ўтлоқ ва яйловлар	65,8	5,35	6,72
	Жами қишлоқ хўжалик ерлари	978,9	79,55	100
4.	Томорқа ерлари	143,8	11,69	
5.	Қумликдаги дарахтлар	0,8	0,07	
6.	Ўрмон ниҳоллари	14,8	1,20	
7.	Шўрхоҳ ерлар	1,3	0,11	
8	Дарё ва сойликлар	0,3	0,02	
9	Сув хавзалари	1,4	0,11	
8.	Ариқ ва завурлар	39,5	3,21	
9.	Йўллар	9,8	0,80	
10.	Қурилиш, кўчалар, саройлар ва майдонлар	15,7	1,28	
11	Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар	24,3	1,97	
	Жами массивга бириктирилган ерлар	1230,6	100	
	Ўзга ердан фойдаланувчилар	108,5		

	Жами массив чегарасидаги ерлар	1339,4		
--	--------------------------------	--------	--	--

Юқоридаги жадвалдан кўринадикки массив умумий майдонининг 68,51 % ни ҳайдалма ерлар ташкил қилади. Дарахтзорлар майдони 27,5 га, бу эса умумий майдоннинг 2,51% ни ташкил этади. Ер майдонининг таҳлили шуни кўрсатадики, Массив худудида 65,8 га ўтлоқ ва яйловлар мавжуд бўлиб, бу ерларнинг бир қисмини келажакда қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун ўзлаштириш мумкин. Булар фойдаланиладиган ер майдонларини кенгайтиришнинг ички имкониятлари ҳисобланади. Массивдаги фермер хўжаликлари пахтачилик, ғаллачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик ва ем – ҳашак бўйича ихтисослашган. Қишлоқ хўжалик ерлари 978,9 гектар бўлиб умумий ер майдонининг 79,55 % ташкил қилади.

Дехқончилик тавсифи

Массив ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш шуни кўрсатадики, асосий деҳқончилик тармоғи пахтачилик ҳисоблангани ҳолда, чорвачилик сингари тармоқлар ҳам ривожланмоқда. Бошқа массивлардаги сингари бу массивда ҳам донли экинларни экиш ва ҳосилдорлигини ошириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда, бундан ташқари кейинги йилларда массивда сабзавотчиликни ҳам ривожлантириш устида қатор ишлар олиб борилмоқда. Деҳқончиликнинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлган экин майдонлари қуйидаги 9-жадвалда келтирилган.

9- жадвал

Қишлоқ хўжалик экинлари таркиби.

т/р	Экинлар тури	Экин майдонлари	
		га	% ҳисобида
1.	Пахта	510	57,59
2	Бугдой	340,2	38,41

3.	Беда:	15,4	1,94
	шу жумладан: биринчи йил экилган	5,4	0,61
	ўтган йилларда экилган	10	1,13
4.	Сабзавот	20	2,26
	Жами экин майдони	885,6	100

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики асосий ҳайдалма ерлар пахта билан банд бўлиб, умумий экин майдонларининг 57,59 % ташкил қилади. Дон майдонлари ҳам умумий экинларнинг 340,2 гектарини, яъни 38,41% ташкил этади. Шунинг эътирофи этиш керакки, ишлаб чиқаришни таҳлил қилишда экин майдонларининг миқдори билан бирга етиштирилган маҳсулотнинг миқдори, ҳосилдорлик кўрсаткичлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қуйидаги жадвалда деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш бўйича маълумотлар келтирилган.

10- жадвал

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

Т/р	Экинлар тури	Ҳосилдорлиги, ц	Ялпи маҳсулот ҳажми, ц	Товар маҳсулот ҳажми, т
1.	Пахта	20,8	10608	1060,8
2.	Бугдой: шу жумладан:			
	дони	31,2	10614	1061,4
	сомони	31,2	10614	1061,4

3.	Беда: шу жумладан:			
	Биринчи йил экилган	50	270	27
	Ўтган йилларда экилган	100	1000	100
4.	Сабзавот	160	3200	320
Жами			21609,6	21609,6

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, массивдаги экинлар таркиби ва ҳосилдорлиги бугунги кун талабига жавоб бермайди.

Массивда 2011 йил 1 январгача 2116 меҳнатга қобилиятли киши мавжуд бўлган. Шундан 495 киши тўғридан-тўғри кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қатнашган. 1621 киши эса бошқа ишлар билан банд бўлган. Массивда жами фойдаланиладиган ер майдони 978,9 гектарни ташкил этади ёки ҳар бир меҳнатга қобилиятли одамга 0,46 га фойдаланиладиган ер майдони, 0,42 га ҳайдалма ер майдони тўғри келади.

Чорвачилик тавсифи

Республикамизда чорвачилик соҳасини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шунга асосан хўжаликда чорвачилик аста секинлик билан ривожланмоқда. Бу эса хўжаликнинг ўз озуқа базасига эга бўлишини кўзда тутаяди.

Массивда 1 та чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги бўлиб унга 36,9 га ер майдони бириктирилган бўлиб, шундан 15,4 га суғориладиган ҳайдалма ер 19,7 га ўтлоқ ва яйлов ерлар. Фермер хўжалигида 40 бош қорамол бўлиб шундан 25 бош сигир. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича 2 тонна гўшт ва 30 тонна сут етиштирилади. Массивда мавжуд 11,7 гектар тутзордан етиштирилган барг ҳисобига 3,8 тонна пилла етиштирилади

Бошқа қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш. Массивда ҳайдалма ерлардан ташқари 4,6 га боғ, 11,2 га узумзор, 11,7 га тутзор ва 65,8 га яйловлар мавжуд.

Массивда боғдорчилик майдонлари ва бошқа қишлоқ хўжалик ерларидан олинаётган маҳсулотлар миқдори 11- жадвалда келтирилган.

11- жадвал

Қишлоқ хўжалик ер турлари таркиби, ҳосилдорлиги ва ялпи маҳсулоти

Т/р	Қишлоқ хўжалик ер турлари	Майдони, га	Ҳосилдорлиги, ц/га	Ялпи маҳсулот, т
1.	Боғлар		55	
2.	Узумзорлар		65	
3.	Тутзорлар		55	
4.	Яйловлар		-	

Жадвалдаги маълумотларга кўра, боғ ва узумзорлардан олинаётган ҳосил республикада ўртача олинаётган ҳосилдорлик кўрсаткичидан жуда паст.

1.6. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий кўрсаткичлари

Массив ишлаб чиқариш фаолиятини баҳолаш учун асосан иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш лозим.

12- жадвал

Сотиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қиймати

т/р	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Ўлчов бир. баҳоси, минг сўм	Умумий баҳоси, минг сўм
1	2	3	4	5	6
1.	Пахта	Тонна	1060,8	600	636480

2.	Буғдой	Тонна	1061,4	250	265350
3.	Пилла	Тонна	3,8	5000	19000
4.	Гўшт	Тонна	2,0	9000	18000
5.	Сут	Тонна	30	1000	30000
6.	Мева	Тонна	25,3	500	12650
7.	Узум	Тонна	72,8	500	36400
	Сабзавот	Тонна	320	300	96000
	Буғдой сомони	тонна	1061,4	50	53070
	Жами				1166950

Массивдаги ишлаб чиқаришни таҳлил қилиш учун ишлаб чиқариш харажатлари, соф даромад ва рентабеллик даражсини аниқлаш керак бўлади.

Мавжуд бўлган ишлаб чиқариш харажатлари, хўжаликнинг соф даромади ва рентабеллик даражасини қуйидагича аниқлаймиз.

$$X = (ЯМК \times 85) : 100 = (1166950 \times 85) : 100 = 991907 \text{ минг сўм}$$

$$СД = ЯМ - ЯМХ = 1166950 - 991907 = 175043 \text{ минг сўм}$$

$$R = \frac{175043 \times 100}{991907} = 17,6 \%$$

13-жадвал

Массивнинг асосий иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Микдори
1.	Ялпи маҳсулот қиймати	Минг сўм	1166950
	Шу жумладан: деҳқончиликда	Минг сўм	1099950
	чорвачиликда	Минг сўм	67000

2.	Ишлаб чиқариш харажатлари	Минг сўм	991907
	Соф даромад	Минг сўм	175043
	Рентабеллик	%	17,6

13- жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, массивда рентабеллик даражаси 17,6 % ни ташкил этади.

14- жадвал

Массивда ердан фойдаланиш самарадорлигини кўрсатувчи умумий кўрсаткичлар

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Сони
	100 га қишлоқ хўжалик ерлари ҳисобига ишлаб чиқилган.		
	Пахта	тонна	108,3
	Дон	тонна	104,4
	Пилла	тонна	0,39
	Мева	тонна	2,5
	Узум	тонна	7,4
	Сабзавот	тонна	32,7
	Бир кути ипак куртидан олинган пилла	кг	50

Массивда ер ва сув ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш бўйича таклиф ва хулосалар.

Массивда ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун асосан шўрланган ерларда мелиоратив ишларни кенг кўламда олиб бориш, нотекис экин майдонларида капитал текислаш ишларини ўтказиш ва сув билан кам таъминланган майдонларга янги суғориш тармоқларини ўтказиш зарур.

Асосий ташкилий - хўжалик тадбирларидан ҳисобланган алмашлаб

экишни қатъий жорий этиш натижасида унумдорлиги кам майдонларнинг унумдорлиги ошади, ерларни шўрланиши камаяди ўсимликлар касалликлари йўқотилади, натижада экинлар ҳосилдорлиги ошади. Хўжалик ҳудудида мавжуд бўлган боғ майдонларини тартибга келтириш зарур.

Массивнинг табиий - иқтисодий шароити қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш учун қулайдир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан юқори ҳосил олишга салбий таъсир омилларидан бири бу тупроқ шўрланиши ва сув эрозиясидир. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун шўрланган ерларда шўр ювиш ишларини олиб бориш ва сизот сувлари яқин жойлашган ерларда зовурларни тозалаш ёки янгисини қозиш лозим.

Шунга асосан ҳам массивда чорвачиликнинг баъзи тармоқлари айниқса қорамолчилик аста-секинлик билан ривожланмоқда. Бу эса ўз навбатида массивни ўз озуқа базасига эга бўлиши кўзда тутати.

1.5-жадвал

Чорва моллари турлари, таркиби.

Т/р	Моллар турлари	Ўлчов бирлиги	Миқдори.
1.	Йирик шохли қорамоллар	бош	162
	Шу жумладан:	бош	45
	сигирлар	бош	95
	Бузоқлар	бош	20
	Гўнажинлар	бош	2
	Наслдор буқалар		

1.6-жадвал

Чорвачилик маҳсулотлари миқдори.

Т/р	Моллар турлари	Ўлчов бирлиги	Миқдори.
1.	Йирик шохли қорамоллар	бош	162
	Жами етиштирилган гўшт	тонна	16,2
2.	Соғин сигирлар	бош	45
	Жами етиштирилган сут	цент	150
3.	Пилла	цент	65

Юқоридаги кўрсаткичлар асосида хулоса қилиш мумкинки хўжалик ишлаб чиқаришда асосан

деҳқончиликка йўналтирилган бўлиб олинган даромад шу тармоқга тўғри келади.

2-БОБ

Ер ҳисобини юритиш ва суғориладиган ерларни иқтисодий баҳолашнинг мазмунини ва моҳияти

2.1 Қишлоқ хўжалиги корхонасида ер ҳисобини юритиш тартиби

Юқорида қайд қилинганидек, корхона, муассаса ва ташкилотларда юритиладиган ер кадастри ички хўжалик ҳисоб-китобининг бир тури ҳисобланади. Шу сабабли ҳам республикамиздаги асосий қишлоқ хўжалик корхоналари (асосида массивда) ер кадастри юритиш туман ҳокимияти қошида ташкил этилган ер ресурслари хизмати тўғридан-тўғри раҳбарлик ва назарий асосдан меҳнат қиладиган ер тузувчи мутахассисларга юклатилган. Бу вазифа, қоидага биноан, олий ёки ўрта махсус ер тузиш ва ер кадастри маълумотларга эга бўлган шахслар ер ресурслари ва давлат кадастри туман хизмати бошлиғининг тавсиясига биноан тайинланадилар. Уларнинг асосий вазифаси – массив ерларидан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этиш ҳамда давлат назоратини ўрнатишдан иборатдир.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, ер тузувчи лавозимимда хизмат қилувчи шахс айниқса ер кадастри ҳужжатларини юритиш тажрибасига эга бўлиши зарур, негаки ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалик корхоналари бўйича ҳам бир қатор ер кадастри ҳужжатлари доимий равишда юритилади. Уни бошқа ишга ўтказиш фақат туман ҳокимияти билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Ер тузувчи мутахассис ўз иш фаолияти тўғрисида массив бошқаруви ҳамда ер ресурслари ва давлат кадастри туман хизматининг бошлиғи олдида ахборот беради.

Ўзининг асосий функциясидан келиб чиққан тарзда массив ер тузувчи мутахассисига қуйидаги вазифалар юклатилади:

- ер қонунларини яхши билиш, фуқаролар тамонидан унинг бекаму-кўст бажарилишини тизимли тарзда кузатиб бориш ва йўл қўйиладиган камчиликларни тузатиш бўйича зарурий чора-тадбирлар кўрган ҳолда аниқланган бузилишлар тўғрисидаги маълумотларни массив бошқарувига ўз вақтида етказиб туриш;

- массив ерларини аниқ билиши ва улардан тўғри фойдаланиш бўйича назоратни тўла таъминлаши;

-массив майдонларидан фойдаланиш тартибини массив ички ер тузиш лойиҳасида белгиланган тарзда бажарилишини, чегара белгиларини сақланишини, алмашлаб экиш массивлари, бошқа ишлаб чиқариш бўлинмалари чегараларининг сақланишини кузатиши ва массив бошқаруви орқали бузилган чегараларни қайта тиклаш бўйича зарур чоралар кўриш;

- план-харита материалларидан фойдаланган ҳолда назорат тариқасидаги турли ўлчов ишларини (обмер) ўтказиб бориш;

- массив ишчи ер тузиш ҳолида ички хўжалик қурилиш лойиҳаларига мувофиқ массив ерларидан ишлаб чиқариш участкалари, оилавий (массив) пудратлари учун ер ажратилади;

- массив фаолияти натижасида ер турлари ва уларнинг сифати, чегаралари ўзгарган ҳолда дала ўлчови ишларини ўтказиш, ўзгарган контурлар майдонларини массив харитасига ҳамда ер кадастри китобига тушириб бориши;

- массив аъзолари умумий мажлисининг қарорига мувофиқ хизматчилар, массив аъзолари ва бошқа фуқароларга жойда томарқа ерларини ажратиши, олдин ажратилган томорқа майдонларига зарурий тузатмалар киритиши, шунингдек ушбу ер майдонларида ўлчов ишларини ўтказиб бориши ҳамда ер кадастри китобига қонуний ўзгаришларни киритиб бориши;

- бўш ётган томорқа ерларидан тўлароқ фойдаланиш мақсадида аҳоли яшаш пунктлари ерларини тартибга солиш бўйича ишларни бажариш;

- массив ерларида қурилиш, геология-қидирув, йўл ва бошқа идоралар томонидан ўз фаолиятлари тугаганидан сўнг ерларни рекультивация қилинганлигини, эрозияга қарши тадбирларни амалга оширилганлигини кузатиш;

- ҳар йилнинг 1 январига бўлган ҳолатда туман ер балансини тузиш мақсадлари учун хўжалик бошқаруви номидан массив ерлари ҳамда томорқа участкалари майдонларининг ўзгариши тўғрисидаги зарурий маълумотларни тайёрлаш;

- массив ички ер тузиш лойиҳасини, қишлоқ аҳоли яшаш жойларининг лойиҳасини тузишда, давлат ва массив эҳтиёжлари учун ер ажратишда, шунингдек массивда ўлчов ишлари ҳамда план-харита материалларидан фойдаланиш билан боғлиқ ишларда қатнашиши;

- массив заруриятлари учун туман ер ресурслари хизматининг бошлиғига план-картографик материаллар, турли шакллар зарурлиги тўғрисида массив бошқаруви номидан хатлар тайёрлаши зарур.

Шуни алоҳида эътироф этиш зарурки, ер тузиш хизматининг ходимлари ерларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратчилари ҳисобланадилар. Ерлардан фойдаланиш бўйича давлат назоратидан кўзланадиган асосий мақсад - бу барча вазирликлар, идоралар, корхона, муассаса ва ташкилотлар, шунингдек фуқаролар томонидан ер қонунларига риоя қилинишни, ерлардан фойдаланиш тартибини, ерлардан оқилона фойдаланиш ва ерларни муҳофаза қилиш учун ер тузиш учун ер тузиш ва ер кадастрини юритишни тўғрилигини таъминлашга қаратилгандир.

Кенг жамоатчиликни жалб қилиш мақсадида кўпинча ерлардан фойдаланишни назорат ишлари жамоатчи инспекторлар томонидан амалга оширилади. Бундай инспекторлар айнан массив ер тузувчиларидан тайинланади. Ерга бўлган мулкчилик шакллариининг ранг-баранглиги, ердан фойдаланувчи субъектлар сонининг кескин ошиб кетаётганлиги шароитида ерлардан фойдаланишни назорат қилишга бўлган талаб айниқса ошмоқда.

Шундай экан, айнан ушбу массивларда фаолият кўрсатаётган ер тузувчи мутахассислар назорат ишларини ер қонунларида кўзда тутилган тарзда олиб боришлари зарур.

Маълумки, ерлардан оқилона фойдаланиш уларни доимий равишда ер ҳисобини юритиш билан чамбарчас боғлиқдир. Негаки ер майдонлари ер турлари бўйича, айниқса қишлоқ хўжалик ер турлари бўйича доимий равишда миқдор жиҳатдан ўзгариб туради. Ушбу ўзгаришларни тизимли тарзда ҳисобга олиб бориш ҳамда улар натижаларини маълум ер ҳисоби ҳужжатларида ёритиб бориш муҳим амалий тадбир ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида юритиладиган ер ҳисоби одатда 2 турга бўлинади: ерларнинг миқдори ҳисоби, яъни ер турлари майдонларини миқдор жиҳатидан ҳисобини юритиш ҳамда ерларнинг сифат ҳисоби, яъни тупроқларнинг сифати хусусиятларини ўзгаришини ҳисобга олишдир.

Шуни алоҳида қайд қилиш зарурки, республикамиз қишлоқ хўжалигида суғориладиган ерлар алоҳида аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли улардан оқилона фойдаланишга катта эътибор берилади. Суғориладиган ерлардан оқилона фойдаланишни ташкил этиш уни энг биринчи галда ҳар тамонлама тўғри ҳисобини юритишни талаб қилади. Суғориладиган ерлардан қишлоқ хўжалигида ва умуман халқ хўжалиги тармоқларида фойдаланишни назорат қилиш мақсадаларида ҳар йили уларни ҳисобини юритиб бориш ҳамда унинг натижаларини таҳлил қилиш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари геодезия, картография ва кадастр давлат қўмитасига юклатилган.

Суғориладиган ерларни ҳисоб майдонларни ер турлари яни ҳисобининг таркибий қисми ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у умумий тарзда қабул қилинган классификация бўйича амалага оширилади. Бундан ташқари ўзининг фойдаланиш характери бўйича суғориладиган ерларнинг ҳисоби ўзига хос хусусиятларга ҳам эгадир. Бундай ерларни наинки ер турлари бўйича, шу билан бирга алоҳида ерларни суғориш даври бўйича, суғориш

усуллари бўйича, суғориш ва коллектор-зовур тармоқларининг ҳолатлари бўйича ҳам ҳисобини юритишга зарурият туғилади.

Суғориладиган ерларни ҳисобга олиш уларнинг ҳақиқий ҳолати ва фойдаланиш бўйича ўтказилади. Суғориладиган ерларнинг асосий ҳисобини ўтказиш учун план-харита материалларидан, суғориш ва коллектор-зовур тармоқларини қуришга техник лойихалардан, бажарилган ишларни қабул далолатномаларидан ҳамда суғориладиган ерларни йўқлама қилиш (инвентаризациялаш) бўйича даврий равишда ўтказиладиган ишларнинг материалларидан фойдаланилади.

Ерларни йўқлама қилиш – ер майдонининг аниқ ўлчамини аниқлаш, фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни кўриб чиқишдан иборат бўлган тадбир ҳисобланади. Ер кадастри ҳужжатлари туман ер ресурслари ва давлат кадастри хизматидан олинади. Бу ишни ўтказишдан мақсад – ер майдони ўлчамини, назоратини ҳисобини аниқ олиб бориш ва маҳаллий бюджетга ер солиғини тўлиқ ундирилишни таъминлашдан иборат.

Ер кадастри ҳужжатларига қуйидагилар киради:

- ер участкасига бўлган ҳуқуқни рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳнома;
- ердан доимий фойдаланиш ва эгалик қилиш ҳуқуқларини берувчи давлат ҳужжатлари;
- ер ажратиш тўғрисидаги туман (вилоят) ҳокимининг қарорлари ва қарор учун асос бўлган ҳужжатлар тўплами;
- харитадан қўчирма;
- ер майдонларини ҳисоблаш қайдномаси.

Енгил типда қурилган савдо, матбуот дўконлари ва айвонлари йўқлама қилинмайди.

Ерларни йўқлама қилиш тадбирини бошлашдан аввал туман ҳокими ўринбосари раислигида туман ер ресурслари хизмати, туман солиқ инспекцияси, туман статистика бўлими, туман кўчмас мулк кадастри, туман

бош меъмори, туман техник инвентарлаш бюроси, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раисларидан иборати ишчи гуруҳ тузилади. Бу тўғрисида туман ҳокимининг фармоиши қабул қилинади.

Йўқламадан ўтказишни ташкил қилиш ва бу ишга раҳбарлик қилиш Қарақалпоғистон республикаси Жўқориғи Кенгеши, вилоят ва туман ҳокимлари томонидан амалга оширилади. Ишнинг натижаси бўйича ҳар бир корхона ташкилот учун йўқлама қилиш далолатномаси тузилади.

Туман бўйича йўқлама қилиш натижалари ер балансининг 22-шаклида тизимлар бўйича, яъни массивлар, фермер хўжаликлари, ёрдамчи хўжалиklar, ўқув-тажриба хўжаликлари, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ерлари, ўрмон хўжаликлари ерлари саноат, транспорт, савдо ва бошқалар бўйича ҳисобот тузилади.

2.2 Ер ҳисоб ини юритишда давлат назоратини ташкил этиш

Ер ҳисобини ҳамда туманда ерлардан фойдаланишнинг давлат назорати билан боғлиқ барча ишлар туман ҳокимияти қошида ташкил этилган. Ер ресурслари ва давлат кадастри туман хизматиға юклатилган. Бу хизмат махсус тайинланадиган бошлиқ томонидан бошқарилади. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати бошлиғининг ер ҳисобини юритиш ҳамда ердан фойдаланиш бўйича берадиган барча кўрсатмалари тумандаги барча ердан фойдаланувчилар учун мажбурийдир.

Ер ресурслари ва давлат кадастри туман хизматларининг бошлиқлари туман ҳокимлик-лари билан келишилган ҳолда вилоятлар ер ресурслари бошқармалари томонидан тайинланадилар.

Ер ресурслари ва давлат кадастри туман хизматларининг бошлиқлари айни пайтда туман ҳудудида ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза этишни назорат қилиш давлат инспекторлари ҳисобланадилар.

Ер ресурслари ва давлат кадастри туман хизмати ўз фаолияти даврида ерлардан имкони борича тўла ва унумли фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги учун ва бошқа заруриятлар учун яроқли янги ерларни аниқлаш мақсадларида туман ер фондини ўрганади. У ерлардан фойдаланишнинг белгиланган тартибини бажарилишини, ер тузиш лойиҳаларини амалга оширилишини, белгиларни сақланишини назорат қилади.

Ўзининг юқорида қайд қилинган функцияларидан келиб чиққан ҳолда ер ҳисобини юритишда ер ресурслари ва давлат кадастри туман хизматига қуйидаги вазифалар юклатилган:

- туманда ер ҳисобиини умумдавлат тизими бўйича ягона тарзда юритиш;
- ўзларининг ваколатлари доирасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш;
- ердан фойдаланувчилар, ер мулкдорлари ва ижарачилари бўйича туман ер кадастри китобига, навбатчи кадастр харитасига бирламчи маълумотларни ҳамда жорий ўзгаришлар маълумотларини киритиб бориш;
- ердан фойдаланиш ва ерларга мулк ҳуқуқларини берувчи давлат ҳужжатларини тузиш, расмийлаштириш, уларни рўйхатлаш ва бериш, доимий фойдаланишдаги ерларни кўпайиши ёки камайиши бўйича ўзгаришларни давлат ҳужжатларига киритиш;
- узоқ ва қисқа муддатли ердан фойдаланиш ҳужжатларини расмийлаштириш;
- йиллик миллий ер ҳисоботини туман миқёсида ишлаб чиқиш (ерларни тоифалари, турлари ва ердан фойдаланувчилар, ер мулкдорлари ва ижарачилар бўйича тақсимооти, миқдор ва сифат ўзгаришлари бўйича);
- туманнинг бошқа мутахассислари, «Ергеодезкадастр» Давлат қўмитаси ходимлари иштирокида ер тузиш, ер кадастри, дала қидирув, ер баҳолаш ва бошқа ишларни ҳамда ерлардан мақсадли фойдаланишни ташкил этиш ва ўтказиш;

- туман ер фондидан янада самарали, тўлиқ ва тўғри фойдаланиш, фойдаланилаётган қишлоқ хўжалигига яроқли ерларни аниқлаш ва уларни бошқа мақсадлардан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- тумандаги барча ердан фойдаланишлар бўйича давлат ҳамда массив эҳтиёжлари учун ажратиладиган ер участкаларидан кўриладиган зарар ва умуман қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига етказилиши мумкин бўлган моддий зарарнинг умумий қийматини аниқлаш ва асослаш бўйича аниқ таклиф-мулоҳазалар бериш;

- ердан фойдаланувчиларни уларга зарур бўладиган ер ҳисоби ҳужжатлари, план-харита материаллари билан таъминлаш, уларни юритиш бўйича зарур маслаҳат ва кўрсатмалар бериш ер кадастри ҳужжатларини тўғри расмийлаштириш бўйича ишларга раҳбарлик қилиш ҳамда ёрдам кўрсатиш;

- тумандаги барча ердан фойдаланувчилар томонидан ер ҳисоби ҳужжатларини юритиш ишларини назорат қилиш;

- туман ерларидан мақсадли ва белгиланган тартибда фойдаланиш, ер тузиш, ер кадастри ва ер мониторинги бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётда қўллашни ташкил этиш ва назорат қилиш;

- ваколатли давлат органлари ёрдамида ердан фойдаланишдаги аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича назорат ишларини амалга ошириш;

- ерларни рекултивация, янги ерларни ўзлаштириш, ер тузиш лойиҳаларини, ер мелиорацияси, тупроқ эрозияси, маданий яйловларни яратиш, ер турларининг ҳолатини яхшилаш, аҳоли яшаш жойларидаги ердан фойдаланишни тартибга солиш, қурилишлар учун ер ажратиш ва бошқа ер муносабатларини тартибга солишга доир тадбирларни ўз вақтида сифатли тарзда амалга оширилишини таъминлаш;

- янги ўзлаштирилган, мелиоратив ҳолати яхшиланган, ҳайдалма ер турлича ўтказилган майдонларни сифат ва миқдор жиҳатдан ўзгарган ерларни қайтадан ҳисобга олиш ишларини олиб бориш;

- массивга ер ажратиш билан боғлиқ ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда ушбу массивларни жойида ташкил этиш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилиш;

- томорқа ерларини мунтазам ҳисоб-китобларини олиб бориш, қишлоқ хўжалик экинларини экиш ва ҳосилни йиғиштириб олиш бўйича тезкор майдон ҳисобларини ўз вақтида, заруриятга қараб амалга ошириш ва йўл қўйилган хато-камчиликларни аниқлаш ҳамда уларни тугатиш бўйича чора-тадбирларни белгилаш;

- ердан фойдаланувчилар чегараларига чегара белгиларини, қишлоқлар, даладар ва қурилиш объектлари чегараларига махсус белгиларни ўрнатиш ҳамда уларни асраш бўйича зарур бўлган чора-тадбирлар белгилаш;

- ердан фойдаланиш, ер мулкчилиги ва ижараси бўйича туман ҳокимиятига тушган ариза ва шикоятларни ўз вақтида ўрганиб чиқиш ҳамда зарур бўлган талабни қондиришга тавсиялар, чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни ер муносабатларини тартибга солиш туман комиссиясига тақдим этиш;

- «Ергеодезкадастр» ва табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталарининг вилоят бошқармаларига, қишлоқ ва сув хўжалиги вилоят бошқармасига ҳамда зарурият туғилган тақдирда республика миқёсидаги идоралар, вазирликлар ва қўмиталарга ер тузиш, ер кадастри ва мониторингини, тупроқ, мелиоратив, геоботаник кузатувларни, ерларни тасвирга олиш ва хариталаш, шунингдек бошқа дала-тадқиқот ишларини бажариш бўйича аризаларни ўз вақтида етказиб бериш ҳамда уларни амалий жиҳатдан бажарилишини назорат қилиш.

Ўзларига юклатилган юқоридаги мажбуриятларни бажаришлари учун Ер ресурслари ва давлат кадастри туман хизматининг ходимлари туман

худудидаги барча ердан фойдаланишларга ҳеч бир тўсиқсиз киришлари ва ерларни кузатишларини ўтказишлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларидан, фуқаролардан амалда бўлган ер қонунларига риоя қилишларини, ердан фойдаланишда вужудга келган хато-камчиликларни тўғриланишини талаб қилишлари мумкин. Кузатув ишларини, майдонларни назоратли ўлчов ишларини ўтказиш ҳамда ерлардан фойдаланишни яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш учун туман ер ресурслари ва давлат кадастри хизматининг бошлиғи массивларда меҳнат қилаётган ер тузувчи мутахассисларни жалб қилиши мумкин.

2.3. Ерларни иқтисодий (меъёрий) баҳолашнинг моҳияти ва мақсади.

Ерларни баҳолаш давлат ер кадастрининг таркибий қисми бўлгани ҳолда, иқтисодиёт тармоқларида фойдаланиладиган табиий ресурсларни умумий тарзда баҳолашнинг бир қисми ҳисобланади. Бунда айниқса қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги ерларни баҳолаш алоҳида аҳамият касб этади.

У жойнинг минтақавий фарқини ҳисобга олиш ва таққослаш бўйича муҳим муаммолардан бири сифатида гавдаланади. Иқтисодиётнинг аксарият масалаларини, шунингдек қишлоқ хўжалик корхоналари ички масалаларини, давлатнинг ердан фойдаланганлик учун тўловлар сиёсатини ер тузиш ва ердан фойдаланиш муаммоларини ва ернинг сифат ҳолатини ва уни қиёсий баҳоламасдан туриб муваффақиятли ҳал қилиш мумкин эмас.

Баҳолаш муаммосини муваффақиятли ҳал қилиш, энг аввало, уни объекти ва субъектини тўғри белгилашга боғлиқдир. Тупроқшунослик бўйича олиб борилган тадқиқотлар ҳамда ерларни баҳолашга оид махсус адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, массив ерларини баҳолашда унинг асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ер участкалари объект бўлиб хизмат қилишини эътибор этишимиз керак.

Ернинг қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги асосий хусусияти – унинг унумдорлигидир. Ер майдонининг, аниқроғи тупроқнинг ўсимликларни унга зарур бўлган озуқа моддалари ва зарур намлик билан таъминлай олиш қобилиятига тупроқ унумдорлиги дейилади. Иқтисодиёт фани асосан қуйидаги тупроқ унумдорликларини ажратади: табиий, сунъий, потенциал, ҳақиқий ҳамда иқтисодий.

Сунъий унумдорлик табиий унумдорликка эга бўлаган ер участкаларида тупроқ хусусиятига инсон меҳнати орқали таъсир этиш ва уларнинг бирлашиши натижасида ҳосил бўлади. Бошқача қилиб айтганда, табиий унумдорликка эга бўлган ер участкалари инсоннинг онгли фаолияти учун меҳнат предмети бўлиб хизмат қилади. Ҳақиқатдан ҳам табиий ва сунъий унумдорликлар ўртасидаги чегара кўп жиҳатдан шартли, абстракт ҳисобланади. Чунки табиий ва сунъий унумдорликлар табиатда соф ҳолда алоҳида намоён бўлмайди. Турлича табиий унумдорликларга эга бўлган майдонлардаги махсус қишлоқ хўжалик экинларининг ривожланиш даврида фақатгина табиат инъом этган озиқ моддаларни ўзлаштирибгина қолмасдан, балки улар ўсимликларнинг ўсиши ва ҳосилдорлик учун сарфланадиган қўшимча харажатларни тупроқнинг юқори даражада чиринди билан бойиши эвазига қоплайди.

Ушбу омилларнинг оқилона қўлланилиши натижасида тупроқ унумдорлиги пасайиб кетмайди, аксинча, бунда унинг ижобий хусусияти намоён бўлади, яъни унумдорлиги ошади. Шундай қилиб, ердан фойдаланиш тўғри ташкил этилганда у ишдан чиқмайди, аксинча, экинларга ишлов бериш жараёнида унумдорлик яратилади.

Иқтисодий унумдорлик тупроқ унумдорлигининг ҳақиқий ифодаси сифатида гавдаланади. Ҳамда у деҳқончилик маданиятининг унумдорлик даражаси сифатида тавсифланади. Тупроқнинг иқтисодий унумдорлиги сарфланган капитал маблағлар миқдориға, ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиш даражасига, маҳсулотларни қайта

ишлаш, сотиш ва бошқа омилларга боғлиқдир. Иқтисодий унумдорлик одатда абсолют ва нисбий унумдорликларга бўлинади. Абсолют унумдорлик - бу маълум бир шароитда етиштирилган маҳсулотлар миқдори билан ифодаланади ва маълум бирликдаги ер майдонининг ҳосилдорлик кўрсаткичи ёрдамида тавсифланади. Нисбий унумдорлик эса турлича ер майдонларининг қайд қилинган унумдорлиги билан ифодаланади ҳамда маълум миқдорда сарфланган харажатлар эвазига олинадиган маҳсулот миқдори билан тавсифланади. Ушбу, юқорида келтирилган унумдорликлар даражаларини белгилаш, ерларнинг қийматини аниқлаш мақсадида тупрок бонитировкаси ҳамда ерларни иқтисодий жиҳатдан баҳолаш каби махсус ер баҳолаш ишларини ўтказиш зарурати туғилади.

Демак, ерларни иқтисодий баҳолаш - ернинг қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги солиштирма қийматини аниқлаш демакдир. Бу кўрсаткичлар ҳам нисбий катталиқда, яъни балларда, ҳам абсолют кўрсаткичларда, яъни ерга ҳисоблаб чиқилган шартли нархларда бўлиши керак.

Ер баҳолаш материаллари қуйидаги қатор масалаларни ижобий ҳал қилишда фойдаланилади: қишлоқ хўжалиги тармоқларини тўғри жойлаштириш; қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорликларини режалаштириш; қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқариш фаолиятларини таҳлил қилиш асосида ердан ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш даражаларини аниқлаш; ер солиғи ставкаларини белгилаш; ижара ҳақи миқдорларини аниқлаш; қишлоқ хўжалик ерларини ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун ажратишда қишлоқ хўжалиги кўрадиган зарарни ўрнини қоплаш миқдорларини ҳисоблаш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш баҳоларини белгилаш; массивлараро ва массивда ер тузиш лойиҳаларини асослаш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни сифатли, иқтисодий ва қиймат баҳосини аниқлашнинг муваффақат

услугида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 19 майдаги 120- сонли қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дасурини амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисидаги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. Ерларни қиймат баҳосини мавжуд маълумотлар асосида аниқлашда ҳисоблаб чиқилган соф даромад асосий кўрсаткич вазифасини утайди.

Ерларнинг меъерий баҳолаш банклардан ипотека қарзлар беришда, хусусий турар жойлар қуриш учун ва деҳқон хўжаликларига меъёрдан ортиқ ер ажратишда ер солиғи ставкаларини аниқлашда, аукцион орқали ер участкаларини сотиш ва қонунчиликда ернинг дастлабки кенг ёритилган. Бугунги кунда эса Ўзбекистон Республикасини бозор муносабатларига ўтиши натижасида ерларни меъерий баҳолаш зарурияти туғилган.

Давлат миқёсида аграр масаларни тўғри ҳал этишда массивлардаги ерлардан самарали фойдаланиш ётади. Шунинг учун хозирги даврда самарасиз фаолият кўрсатиб келаётган массивлар асосида янги тоифадаги ердан фойдаланувчиларини ташкил этиш долзарб масалардан ҳисобланади. Малакавий битирув иши мавзуси ҳам шу муаммоларни назарий ва амалий жиҳатдан ўрганишга қаратилган.

Қишлоқ хўжалигидаги фойдаланилаётган ерларни баҳолашлар тарихи узок йилларга бориб такалади. Ўзбекистонда тупроқ текширув ҳужжатларидан ҳақиқий фойдаланиш унинг вазифаси ва ҳажми, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш даражаси ва деҳқончиликнинг умумий маданият давлат режа топшириқлари билан аниқланар эди. Шу сабабли 1954 йилларгача тупроқ текширув ҳужжатлари тузишда эътборсизлик билан қаралар эди. Суғориладиган минтақаларда алмашлаб экиш тупроқ шароитларини ҳисобга олмай жорий қилинар эди. Бу ишлар учун ватан урушига қадар кимёвий ишлар учун қилинган нисбатдаги агро-тупроқ хариталари асос қилиб олинар эди.

Республикада ерни баҳолаш ишларини кенг миқёсда олиб боришда массивдаги суғориладиган ерларда тупроқ бонинитировкаси ва иқтисодий

баҳолаш ишларини ўтказиш учун услубий кўрсатмалар ишлаб чиқишда тупроқ текширув хужжатлари ерларнинг хоссларини тавсифнома олтина(тупроқни бонитировкалаш) асос қилиб олинган.

Шунингдек қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини аниқроқ режалаштириш ерларни ҳар томонлама ўрганиб сифатин баҳолашни тақозо этади.

2.4. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг меъёрий баҳосини ҳисоблаш тартиби.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни қиймат баҳосини (меъёрий нархини) аниқлаш услуги Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг қиймат баҳосини мавжуд меъёрий маълумотлар асосида аниқлаш учун мўлжалланган.

Массив ерларининг меъёрий баҳолари, банклардан ипотека қарзлари беришда, хусусий турар жойлар қуриш учун ер ажратиб бериш ва деҳқон хўжаликларига меъёрдан ортиқ ер ажратиб беришда, ер солиғи ставкалари миқдорини аниқлаш, аукцион орқали ер участкаларини сотиш ва қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда шу ернинг дастлабки баҳосини белгилаш учун қўлланилади.

Шунга алоҳида аҳамият бериш зарурки, ерни иқтисодий баҳолаш ва тупроқларни бонитировка қилиш ўртасида узвий боғлиқлик ва бир-бирига нисбатан кескин фарқ мавжуд. Тупроқларни бонитировка қилишда ишлаб чиқариш шароитлари эмас, асосан ўсимлик ўсиши учун зарур бўлган табиий хоссалари ҳисобга олиниб, гуруҳларга бўлинади. Иқтисодий баҳолашда эса ернинг табиий сифати ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари унинг табиий - иқтисодий шароитларига мос равишда ҳисобга олинади. Уларнинг ўзаро

боғлиқлиги шундан иборатки, тупроқларни бонитировка қилиш натижалари ерларни иқтисодий баҳолашда асос сифатида олинади.

Республикамиз иқтисодиёт тармоқларида, жумладан қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини ривожланиб бораётганлиги мавжуд ер майдонларини иқтисодий жиҳатдан меъёрий баҳолаш заруриятини туғдирди. Қишлоқ хўжалик ерларини меъёрий баҳолаш натижалари асосан массивни фермер хўжаликларига айлантириш, ер солиғи ставкаларини аниқлаш, белгиланган меъёردа ажратилганидан ташқари қишлоқ жойларида уй-жой қуриш ва деҳқон хўжалигига ер бериш, банк томонидан кредит бериш, ер участкаларини ким ошди савдоси (аукционлар) орқали сотиш учун бошланғич баҳосини белгилаш ҳамда қонунда кўзда тутилган бошқа ҳоллар учун қўлланилади.

Барча қишлоқ хўжалик ер майдонлари ерларни иқтисодий (меъёрий) баҳолаш объекти бўлиб хизмат қилади. Бунда ерларни баҳолаш бўйича белгиланган ҳудудий ҳисоб бирликлари қуйидагилардир:

-массив ички миқёсида: тупроқ сифати бўйича (бонитети) бир хил бўлган хайдалма ерлар ва бошқа қишлоқ хўжалик ерларининг алоҳида участкалари. Бундай ҳолда ерларнинг баҳоси массиви ички масалаларини ҳал қилиш, деҳқон ва фермер хўжаликларини ташкил этиш, қурилишлар, суғориладиган ерларни текислаш мақсадлари учун аниқланади;

-умумий жиҳатдан (умумий ер майдони бўйича) ерларнинг баҳоси ер учун солиқ ставкаси миқдорларини ҳисоблаш, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйиб банкдан кредит олиш, пай миқдорларини аниқлаш учун ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ердан фойдаланувчилар ерларни иқтисодий баҳолаш субъектлари ҳисобланадилар. Ерларни иқтисодий жиҳатдан баҳолаш жараёнида суғориладиган ерларни баҳолаш муҳим амалий аҳамиятга эга. Экинларни етиштириш учун муҳим ҳисобланган ернинг табиий хусусиятлари бўйича қиёсий баҳоси (тупроқ бонитировкаси) ва қиймат кўрсаткичи сифатидаги

меъёрий соф даромад суғориладиган ерларнинг баҳосини аниқлаш учун асос қилиб олинади.

Кораколпогистон Республикаси Юкори Кенгаши ва вилоятлар ҳокимиятлари, жойлардаги ҳудудларнинг ўзига хослиги ва ерларнинг меъёрий баҳосига таъсир қилувчи факторларни аҳамиятларини эътиборга олиб айрим туманлар ёки бутун вилоятлар бўйича, ерни ҳисоблаб чиқилган меъёрий баҳоси ҳажмининг 25 фоиз миқдорида, камайтирувчи ёки кўпайтирувчи коэффициентлар қўллашлари мумкин. Ернинг меъёрий баҳоси, асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг турларига шартномалар (далолатномалар) тузиш пайтида амал қилиб кўрган баҳолар (сотиб олиш, шартнома, бозор) бўйича аниқланади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг меъёрий баҳосини ҳисоблаш учун дастлабки материал бўлиб қуйидагилар хизмат қилади: “Ўздаверлойиха” институтининг ер кадастри филиали томонидан бажарилган суғориладиган ерларнинг бонитировкаси, ер кадастри ҳужжатлари, ери баҳоланаётган объектларнинг ер тарихи ва хариталари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қиймати ва экин майдонлари тўғрисидаги статистик маълумотлар. Ерни меъёрий баҳосини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоблар, жойлардаги ер тузиш идоралари ёки уларнинг топширигига биноан “Ўздаверлойиха” институтининг бўлинмалари томонидан амалга оширилади. Суғориладиган ерларнинг меъёрий баҳосини аниқлашда, унумдорлик, жойлашган жойи, қандай узокдалиги, фойдаланишга қулайлиги, сув ва ёгингарчилик билан таъминланганлиги каби қатор факторлар борки, улар ернинг реал қийматига сезиларли таъсир кўрсатишни ҳисобга олинади. Шунинг учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг меъёрий баҳосини мутахассис баҳоловчи аниқломоғи лозим.

Ер участкасига ҳуқуқи бор юридик ва жисмоний шахслар буюртмалари бўйича, ерларни меъёрий баҳосини аниқлаш ишлари шу буюртмачиларнинг маблағи ҳисобига бажарилади. Ер тузиш идоралари томонидан ернинг

меъёрий баҳоси ҳисоблаб чиқилган натижаларига кўра аниқ бир ер участкасининг меъёрий баҳосини белгилаш ҳақидаги маълумотнома қабул қилинган шакл бўйича берилади. Ернинг аниқ бир участкасининг меъёрий баҳосини ўрнатиш ҳақида маълумотнома тузишда, шу участканинг баҳосига таъсир кўрсатувчи қўшимчалар (сервитутлар ва бошқа ҳуқуқлар), шунингдек табиатни муҳофазаловчи, санитария-гигиена, технологик ва бошқа характердаги қўйилган чекланишлар ҳисобга олинмайди.

Қишлоқ хўжалик ерларнинг меъёрий баҳосини аниқлашда бош тортиш, ёки уни нотўғри аниқлашлар, қонунчиликда ўрнатилган тартиб бўйича шикоят қилиниши мумкин.

2.5 Электр токидан жароҳатланишнинг олдини олиш усуллари

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш омилларидан бири уни электрлаштиришдир. У меҳнатни енгиллаштириш билан бир қаторда одамлар ҳаётига ва соғлиғига жуда катта хавф туғдиради. Бошқа хавфли манбалардан электр токини асбобларсиз ва маълум масофада турмасдан аниқлаб бўлмайди. Электр токи билан жароҳатланишлар умуман олганда 0,5-1,0% ни ташкил этади. Аммо улардан электр токи натижасида ўлим билан тугагани 20-40% га тўғри келади.

Электржароҳат — электр токи ёки электр ёйи таъсири натижасида келиб чиққан жароҳатдир. Электр токидан ҳар хил шароитлар: сим ёки ток ўтказувчи очиқ, қисмларга тегиб кетишдан, химояланганлиги бузилган бўлса, ёй орқали электр токини таъсир қилиши, ускуналарнинг металл қисмларига тегиб кетишдан, тасодифан кучланиш остига тушиб қолиш, электр узатувчи қисмларга катта ўлчамли машиналарнинг (авто-кранлар, дон ўриш ва пахта териш комбайнлари) рухсат этилмаган даражада яқинлашуви ва бошқаларда жароҳатланиш мумкин.

Электр хавфсизлик (ГОСТ 12.1.009-76) — ташкилий ва техник чоратadbирлар тизими ва воситаларидир, улар одамларни электр майдонидан ва статик (турғун) электр токини зарарли ва хавфли таъсиридан химояланишини таъминлайди.

2. Электр токининг одам ва хайвонларга таъсири

Электр токининг одам организмига ва хайвонларга таъсири жуда ўзига хос мураккаб шаклда вужудга келади. Организмдан Электр токининг ўтиши натижасида кимёвий, иссиқлик ва биологик таъсир кўрсатади. Кимёвий таъсир туфайли қон таркибидаги моддалар ва бошқа органик суяқликлар парчаланади. Иссиқлик таъсири натижасида терининг айрим қисмлари куяди. Электр токининг биологик таъсири натижасида организмдаги тирик хужайралар қўзғалади, тери қичишади, томир тортишади ва мускуллар қисқаради.

Электр (ток) уриши катта хавф туғдиради, у бутун организмни жарохатлайди, асаб системасини, юрак ва нафас олиш органларини тўлиқ ёки қисман фалажлаши мумкин. Организмни электр токидан жарохатланишига бир неча омиллар: ток кучи, инсоннинг қаршилиги, кучланиш қиймати, ток частотаси ва тўғри, ток йўли, таъсир қилиш муддати, шунингдек одам организмнинг алохида хусусиятлари таъсир кўрсатади.

Хавф юз бериши мумкин бўлган қуйидаги ток қийматларини ажратиш мумкин:

Сезилувчан ток (2 мА гача) — организмдан ўтганда сезиларли қўзғатишни келтириб чиқаради;

1.Қўйиб юбормайдиган ток (10-25 мА) — организмдан ўтганда қўл мускулларида енгиб бўлмайдиган томир тортишишлар рўй беради.

2.Фибриляцион ток (50 мАдан юкори) — организмдан ўтганда юракни

фибриляциялайди (юрак мускулларининг тартибсиз қисқариши).

Электр токидан жароҳатланишда одам танасининг қаршилиги катта аҳамиятга эга. Одам танасининг электр токига қаршилиги кенг 100000 дан 1000 Ом оралиқда ўзгаради ва тери қопламанинг ҳолатига (қуруқ, нам, дағаллашган, шикастланмаган ёки шикастланган тери), боғланишнинг майдони ва зичлигига, шунингдек ўтаётган токнинг кучи ва частотасига ва таъсир қилиш муддатига боғлиқдир. Чарчаганда, касалланганда, терлаганда, электр қурилмалари остида ишлаётганда диққат-эътибор бошқа нарсага чалғиганда организмнинг электр токи таъсирига қаршилиги кескин пасаяди. Юраги касал, терисида қичима касаллиги бор, ошқозони яра, эпилепсия билан оғриган, жигар ҳамда буйраги касал ва бошқа касалликлари бор кишилар электр қурилмаларида ишлашга қўйилмайди. Шунинг учун электр қурилмаларга хизмат кўрсатиш махсус ўқишдан ва тиббий кўрикдан ўтганларгагина топширилади.

3. Электр токидан жароҳатланиш сабаблари ва унинг олдини олиш

Қишлоқ хўжалигида, одатда, ўзгарувчан электр токидан фойдаланилади. Кўпгина жихозлар 380 В кучланиш билан ишлайди, ёритиш учун эса 220 ва 127 В кучланишлардан фойдаланилади. Электр хавфсизлиги шартларига кўра, электр қурилмалар 1000 В гача ва 1000 В дан юқори кучланишли қурилмаларга бўлинади. Электр токи уришига кишининг электр занжирига уланиб қолиши (тегиб кетиши) сабаб бўлади. Электр токига уланиб қолишнинг икки хил шакли бор: иккита сим орасида уланиб қолиш ва сим билан ер орасида уланиб қолиш. Иккала ҳолда ҳам жароҳатланиш даражаси кучланиш катталигига, пол ва пойабзал химояланишнинг ҳолатига, ишлаб чиқариш хонасидаги муҳит шароитига, симларга теккан пайтда кишининг ҳолатига боғлиқ. Тана қўллар орқали ток ўтиши энг хавфли ҳисобланади, чунки ток ўтадиган йўлда юрак, ўпка, мия

жойлашган. Одамнинг электр токидан жароҳатланишининг бошқа ҳолларига қуйидагилар сабаб бўлади:

1. Электр қурилмаларини ўрнатиш ва улардан фойдаланишда ҳавфсизлик техникаси қоидаларининг бузилиши;

2. Электр жихозларининг кучланиш остида қолган ток ўтказмайдиган металл қисмларга тегиб кетиши;

3. Жароҳатланишнинг ҳавфсиз меҳнат усуллари билмаслик.

Электр токидан жароҳатланиш сабабларини кўриб чиқишда жароҳатланишга сабаб бўлган электр жихозларини муфассал кўздан кечириш лозим. Жихоз ва электр тармоғи тўғрисидаги маълумотларни, қурилманинг кучланиш катталиги, частотаси, қувватини, симларнинг маркасини, тармоқнинг ҳамда таъминлаш манбаининг ерга нисбатан ҳимоялаш тартибини, асбобларнинг жароҳатланишдан олдинги ва кейинги кўрсаткичларини, жароҳатланган кишининг кийими ҳамда пойабзалининг ҳолатини (қуруқ, нам, захлигини); ҳаво ҳароратини аниқлаб олиш керак.

Қишлоқ хўжалигида электр токидан жароҳатланишнинг олдини олиш учун профилактик ишлар ўтказиш зарур. Улар қуйидагилардан иборатдир:

1. Ишлаб турган бутун электр жихозларини истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини ишлатишда риоя қилинадиган ТИК, (техник ишлатиш қоидалари) ва ХТҚ, (ҳавфсизлик техникаси қоидалари) талабларига жавоб берадиган ҳолатга келтириш.

2. Маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб, электр қурилмалар ишлаш ҳавфсизлигини оширадиган қўшимча тадбирлар.

3. Электр асбобларни, тезда алмашлаб улашларни, таъмирлаш ишларини пасайтирилган кучланишга ўтказиш.

4. Ишлатиладиган шахсий ҳимояланиш воситаларини такомиллаштириш.

5. Ҳавфсиз меҳнат усуллари кўрсатиш орқали одамларнинг ўқиш сифатини яхшилаш техника ҳавфсизлиги бўйича исталган қўлланма

беришда, ишчилар малакасини оширишда ва ҳар йили техник минимумлар ўтказиш зарур.

3-БОБ

Ер ҳисобини юритиш ва суғориладиган ерларни баҳолашнинг натижалари

3.1 Улугбек массивида суғориладиган ерларни ҳисобини юритиш.

Суғориладиган ерларни йўқлама қилиш натижалари ҳар бир массив бўйича 3 нусхада далолатнома тузиш орқали расмийлаштирилади. Далолатнома хайъат аъзолари, массив раҳбари ва бош агроном томонидан имзоланади. Йўқлама қилиш якуни туман бўйича туман ҳокимияти ва вилоят ҳокимияти томонидан кўриб чиқилиб махсус қарор билан тасдиқланади

Бирламчи маълумотлар олиш ва суғориладиган ерлардан фойдаланишни назорат қилиш мақсадларида даврий равишда, эҳтиёжга қараб экин майдонлари ёки томорқа ерларини умумий назоратли ўлчов ишлари ўтказилади. Назоратли ўлчов асосан геодезик асбоблар ёрдамида бир

муддатда ҳамма ер участкаларида ёки танланган яъни алоҳида олинган майдонда амалга оширилади. Ёппасига ўлчовда-барча майдонлар қамраб олинади, танланган ҳолда эса ҳудуднинг айнан танланган қисмигина ўлчов ишларига тортилади.

Йўқлама натижасида аниқланган ўзларига ажратилган ердан самарасиз фойдаланаётган, белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланаётган ёки ер майдонларидан умуман фойдаланмаётган субъектлар бўйича туман хайъати томонидан туман ҳокимига ерларни қайтариб олиш учун таклиф киритилади. Туман ҳокими «Ер кодекси»нинг 36-моддасига биноан бу ер майдонини аввалги эгаларига қайтариб бериш ҳақида тегишли қарор қабул қилади.

Ерларни ҳисоб қилишда уларни йўқлама қилиш тадбири билан бир қаторда назоратли ўлчов ишларини бажариб бориш ҳам муҳим аҳамият касб қилади. Ўлчов ишларини бошлашдан олдин ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонаси бўйича топшириққа биноан зарурий кўрсаткичларни туман статистика ташкилотларидан - қишлоқ хўжалик экинларининг майдонлари тўғрисидаги маълумотлар, туман ер ресурслари ва давлат кадастри хизматидан – ер турларининг майдонлари тўғрисидаги маълумотлар кўчириб олинади ва улар туман ва сув хўжалиги бошқармасида тасдиқланади.

Ўлчов ишлари далада, массив вакили иштирокида, суғориладиган майдонларда 1:10000 масштабни ва лалми минтақаларда 1:25000 масштабни план-хариталаридан фойдаланилган ҳолда бажарилади. Агарда бундай план-хариталар бўлмаса қўшимча янги хариталар тайёрлаш бўйича иш бажарилади. Ўлчовни бажаришда топографик элементларни тузатиш (корректировка қилиш) ишлари ҳам бажарилади: суғориш, коллектор-зовур ва йўл тармоқларининг кенгликлари аниқланади, янги қурилганлари туширилади ва йўқолганлари ўчирилади.

Қишлоқ хўжалиги экинлари майдонларини ва қишлоқ хўжалик ер турлари майдонларини ўлчаш тартиби махсус тузилган кўрсатмаларга

биноан амалга оширилади. Ўлчов ишлари тугагандан сўнг ҳар бир массив бўйича махсус «дело» ташкил қилинади. Унга қуйидагилар киритилади:

- алоҳида қимматга эга бўлган ерлардан фойдаланиш бўйича маълумотлар;
- қишлоқ хўжалик экин турлари ва ер турларининг майдонларини ҳисоблаш қайдномаси;
- қишлоқ хўжалик экинлари ва ер турларини ўлчанганлиги тўғрисидаги далолатнома;
- инструментал ўлчов якуни туширилган ер участкасининг харитаси.

Иш нихоясига етказилгандан сўнг барча туманлар, вилоятлар бўйича умумий ҳисобот тузилади ушбу ҳисобот таркибига қуйидаги ҳужжатлар киради:

- тушунтириш хати;
- қишлоқ хўжалик экинлари ва ер турларининг майдонлари бўйича умумий якуни;
- қишлоқ хўжалик экинлари ва ерларнинг ўлчанганлиги бўйича ҳар бир туман массивлари алоҳида-алоҳида кўрсатилган ўлчов ҳисоботи.

Ўлчов натижалари белгиланган тартибда ишни бажариш бўйича берилган топшириқ асосида кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Маълумки, суғориладиган ерларни ҳисоб қилишда наинки ер майдонлари, балки шу билан бир қаторда сув ресурсларининг ҳолати ҳамда фойдаланишга тавсиф берилади. Сувдан фойдаланиш режасини тузиш ва уни амалга ошириш учун сув хўжалиги ташкилотларига наинки ердан фойдаланувчилар ва сувдан фойдаланувчилар бўйича, балки алоҳида олинган суғориш каналлари бўйича ва умуман суғориш тизими бўйича суғориладиган ерларнинг тўла тавсифи зарур ерлар қишлоқ хўжалик ер турларининг майдонлари бўйича, уларнинг сифат ҳолатлари ҳамда қишлоқ хўжалик экинлари ва кўп йиллик дарахтзорларнинг жойлашиши бўйича ҳисобга олиниши зарур.

Бу ҳол шу билан боғлиқки, турли қишлоқ хўжалик экинлари ва дарахтзорлари ўзларининг вегетация даврида наинки турли миқдорлардаги сувни, балки турли меъёрлар ва суғориш даврларини талаб қилади. Бундан ташқари турлича механик таркибли, турлича ер ости сувлари чуқурликларига эга бўлган турли тупроқларга эга бўлган ерларга экилган бир хилдаги экинлар турлича миқдордаги сувни ва турлича суғориш муддатларини талаб қилади. Шу сабабли ҳам ҳар бир суғориш канали бўйича наинки умумий суғориш майдонини, балки ушбу ҳудуднинг сифат ҳолатини ҳам билиш зарур. Бундан ташқари ҳар бир ер участкаси қандай қишлоқ хўжалик экинлари билан банд бўлиши мумкинлигини ҳам билиш зарур. Фақат шундагина сув хўжалиги органлари энг мақбул муддатларда зарур миқдордаги сувни етказиб беришлари мумкин.

Экин майдонларида, экинлар ва дарахтзорлар таркибида, суғориш участкаларининг ўлчамларида ва уларнинг сифат ҳолатларида юз берадиган ўзгаришлар суғориладиган ерларни тизимли тарзда миқдор ҳамда сифат жиҳатидан ҳисобини юритиб беришни тақазо қилади. Суғориш сувини тақсимлаш, суғориш тармоғидан сувни олиш ва уни ишлатиш режаларини тузиш, суғориладиган майдонларни кенгайтириш режали тарзда ички хўжалик сувидан фойдаланишни ташкил этиш ва бошқалар бўйича тадбиркорларни режалаштириш суғориладиган ерларнинг жорий ҳисобига асосланади.

Суғориладиган ерларни ниҳоятда катта аниқ ҳисобга олиш зарур, негаки ҳар бир гектар майдонни ирригация нуктаи назаридан тайёрлаш жуда қимматга тушади, қурғоқчилик минтақаларида суғориш суви эса катта қимматга эга ҳамда у қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини тубдан оширади. Суғориладиган ерлар ҳисобини катта аниқликга эга бўлган план-харита материаллардан фойдаланилган ҳолда юритиш зарур. Панда ер турларининг контурлари, йўллар, қишлоқ хўжалик экинлари, доимий суғориш каналларининг кенглиги кўрсатилган ҳолдаги суғориш тармоқлари,

сувларнинг йўналишлари ва суғориш каналлари бўйича бошқа маълумотлар кўрсатилиши керак. Суғориладиган ерларни тупроқлар, уларнинг механик таркиби, рельефи ва мелиоратив ҳолатлари бўйича сифат тавсифлари бошқа алоҳида планда келтирилади.

Суғориладиган ерларни ҳисобга олишни ер турлари бўйича, уларнинг сифат ҳолатлари, қишлоқ хўжалик экинлари, дарахтзорлар турлари, алоҳида каналларнинг суғориш сфералари ҳамда суғориш тизимлари бўйича амалга ошириш зарур. Ер ҳисобининг бирламчи элементи бўлиб суғориш участкаси хизмат қилади. У бир хилдаги ер турининг контури бўлиб битта майда суғориш каналидан суғорилади.

.1-жадвал

Ер баланси маълумотларини ва суғориладиган ерлар йўқламаси натижаларининг қиёсий ҚАЙДНОМАСИ

Ер турлари номи	01.01.2009 йил ер баланси бўйича	01.01.2011 йил йўқлама қилиш якуни бўйича	Фарк и +,-	Фарқ қилиш сабаблари
Ҳайдалма ерлар, жами Шу жумладан, суғориладиган ерлар	1006,5	1006,5	+0,5	Ҳисобда хато
Кўп йиллик дарахтзорлар Боғзорлар Токзорлар Тутзорлар Яйловлар	168,8 67,1 2,3 33,4 66,0	168,5	+0,3	Ҳисобда хато
Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	1175,3		+0,8	Ҳисобда хато
Томорқа ерлар	609,1	607,1	-2,0	Тарихда кўрсатилмаган
Ўрмонлар				0
Массив бинолари	57,7	57,7		0
Йўллар	42,4	41,4	-1,0	Қайдномада хато

Ариқлар, каналлар ва зовурлар	71,5	70,4	-1,1	Қайдномада хато
Бошқа ерлар	114,7	112,2	+2,5	Хисобда хато
Жами	2070,7	2070,7	+ -4,1	

3.2 Улугбекмассиви ҳудудида ер ҳисобини ўтказиш

Ер эгалигини ўрганиш ва массив бўйича ер ҳисоби ҳужжатларини текшириш. Ҳар бир талабага ер ҳисобини юритиш учун зарур бўлган материаллар, жумладан, массивнинг ер ҳисоби харитаси, турлар бўйича майдонларни ҳисоблаш қайдномаси суғориш тармоқларнинг харитаси, тупроқ харитаси ва бошқа материаллар берилди. Ер ҳисоби харитаси бўйича массивнинг ер таркиби ўрганилди.

1. Ер эгалигининг чегаралари кўрсатилганлиги ҳамда унинг мавжуд чегарасида қандай ўзга ердан фойдаланувчилар жойлашганлиги аниқланди. Фойдаланиш турлари бўйича (массив ерлари, деҳқон хўжаликлари ерлари) ерларнинг таркиби, уларнинг жойлашган ўрни аниқланди. Харитада қабул қилинган шартли белгилар ёрдамида уларнинг чегаралари кўрсатилганлиги аниқланди. Ер эгалиги таркибида қандай ер турлари мавжудлиги, харитада барча контурларнинг чегаралари тўла ёпилганлиги ва уларнинг тартиб рақамлари қўйилганлиги аниқланди. Мавжуд каналлар суғориш минтақаларининг чегараларига аниқлик киритилди. Ер ҳисоби харитасидаги барча маълумотлар контурлар бўйича майдонларни ҳисоблаш қайдномаси билан таққосланди. Ер эгалиги чегарасида мавжуд бўлган ер турларини ўрганишда шуни алоҳида қайд қилиш зарурки, улар давлат ер ҳисобининг талабларига мос ҳолда харитада кўрсатилган бўлиши зарур. Агарда ер

ҳисоби ҳужжатларида камчиликлар учраса, улар корректура (тузатиш) вароғида қайд қилиниши ва тўғирланиши зарур.

2. Тузатиш вароғини тўлдириш. Массивнинг ер ҳисоби ҳужжатларини ўрганиш, уларни бир-бирлари билан солиштириш натижасида аниқланган барча камчилик ва хариталар энг аввало тузатиш вароғига туширилди ҳамда шундан сўнг тузатишлар киритилди. Ер ҳисоби ҳужжатлари текширилганидан ва корректура варағи тўлдирилганидан сўнг кўрсатилган камчиликларни тўғрилаш иши амалга оширилди.

3. Каналларнинг суғориш минтақалари бўйича массив ерларининг экспликациясини тузиш.

Маълумки, ҳар бир массив ҳудудини алоҳида - алоҳида ҳолда 2 ёки баъзан бир нечта ички массив канали ёрдамида суғоради. Бундан кўринадики, ҳар бир каналга маълум майдон бириктирилган. Айнан ушбу ҳудуд каналини суғориш минтақаси ҳисобланади. Каналларнинг суғориш минтақаси ҳисоб-ланди. Каналларнинг суғориш минтақалари бўйича ерларнинг экспликацияси қуйидаги шакл бўйича тузилди.

Массив ерлари фойдаланиш усуллари бўйича (доимий суғорилдиган, шартли суғорилдиган ва суғарилмайдиган) ҳамда фойдаланиш шартлари бўйича (массив, таморқа) гуруҳланди. Шунини алоҳида эътироф этиш зарурки, массивдаги таморқа ерлари 2 турга, яъни шахсий фойдаланишда таморқа ерлари ҳозиргача эгалланмаган, бўш таморқа ерларга бўлинди. Қайд қилиш зарурки ҳар бир алоҳида суғориш минтақаси турли ер турларидан иборат. Булардан айниқса қишлоқ хўжалик ер турлари алоҳида ажралиб туради. Шу жиҳатдан ҳам ҳар бир суғориш минтақаси бўйича айниқса доимий суғориладиган майдонлардаги ер турларини ҳисоб қилиш хўжалик юритишда катта аҳамиятга эгадир.

Маълумки массив ерлари маълум бир тупроқлардан ташкил топади. Бу тупроқлар ўзларининг табиий вужудга келиш ва ривожланиши бўйича турли сифати хусусиятларга эгадир. Шундай экан ер шўрларини сифати бўйича ҳам

ҳисоб-китоб қилиш турли улардан фойдаланиш яхшилашда муҳим амалий аҳамиятга эгадир. Юқоридагиларидан эътироф этгани ҳолда ҳар бир талаба чизма қоғозда массивнинг тупроқ харитасини тайёрлайди Ушбу харитага қуйидаги шаклда тупроқ экспликациясини беради.

Ҳар бир тупроқ тури бўйича унда мавжуд бўлган массив ерларининг майдонларининг аниқлаш зарур. Ҳар бир алоҳида ер турлари бўйича тупроқ турларининг майдонлари алоҳида контурларнинг майдонларини йиғиш ёрдамида аниқланди агарда контур бир неча тупроқ шўридан иборат бўлса унинг майдони алоҳида-алоҳида ҳисобланди ва контурнинг умумий майдони билан боғланади.

3.3 Суғориладиган ерларнинг меъёрий баҳосини ҳисоблаш.

Суғориладиган ерларнинг меъёрий баҳосини аниқлаш асосида, қишлоқ хўжалик экинлари ўсиши учун ерларнинг аҳамиятлироқ бўлган табиий хусусиятлари (тупроқ бонитировкаси) ва меъёри соф фойдаси қийматини кўрсатувчи сифатлари бўйича шу ернинг солиштирма баҳоси ётади. Бонитировкалашда тупроқнинг қуйидаги асосий хусусиятлари ва табиий шароитлари ҳисобша олинади: тупроқнинг типи ёки типчалари, механик таркиби, сугориб келинаётганлик муддати, термик ресурслар билан таъминланганлиги, тупроқ ҳосил қилувчи жинс, ер ости сувининг чиқиб кетиши, шўрланиш, эрозияланиш, тош ва гипсланиш даражалари. Энг юқори баҳо 100 балл билан, энг юқори маҳсулдорликка эга, энг яхши тупроқлар баҳоланади.

Тупроқнинг табиий унумдорлигини, маҳсулдорлигини ва унинг қишлоқ хўжалигида фойдаланишга яроқлилигини ҳисобга олиб Республикадаги суғориладиган ерларнинг балл бонитетлари бўйича 10 та класс ўрнатилган. Ҳосилотчилик (агрономия) нуқтаи назаридан бонитетнинг баҳолаш баллари, баҳолашнинг 100-баллик шкаласи бўйича 1-балл баҳога қабул қилинган ц\га ҳосилдан келиб чиқиб, аниқ бир қишлоқ хўжалик экини учун кадастрли ҳисобланган ҳосилдорликда намоён бўлади. Балл

бонитетлари бўйича, асосий қишлоқ хўжалик экинларининг кадастрли ҳисобланган ҳосилдорлиги 1999 йил 10 январда Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлиги томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси суғориладиган тупроқларни бонитировкалаш услубига мувофиқ қабул қилинган. Ерларни иқтисодий баҳолаш-бу ернинг қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги солиштирма қийматини аниқлаш демакдир. Бу кўрсаткичлар ҳам нисбий катталиқда, яъни балларда, ҳам абсолют кўрсаткичларда, яъни ерга ҳисоблаб чиқилган шартли нархларда бўлиши керак.

Шунга алоҳида аҳамият бериш зарурки, ерни иқтисодий баҳолаш ва тупроқларни бонитировка қилиш ўртасида узвий боғлиқлик ва бир-бирларидан кескин фарқ мавжуд. Тупроқларни бонитировка қилишда уларнинг ишлаб чиқариш шароитлари эмас, асосан ўсимлик ўсиши учун зарур бўлган табиий хоссалари ҳисобга олиниб, гуруҳларга бўлинади. Иқтисодий баҳолашда эса ернинг табиий сифати ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари унинг табиий - иқтисодий шароитларига мос равишда ҳисобга олинади. Уларнинг ўзаро боғлиқлиги шундан иборатки, тупроқларни бонитировка қилиш натижалари ерларни иқтисодий баҳолашда асос сифатида олинади.

Қайд қилиш зарурки, республикаимиз халқ хўжалигида, жумладан қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларининг ривожланиб бораётганлиги бу ердаги мавжуд ер майдонларини иқтисодий жиҳатдан меъёрий баҳолаш заруриятини туғдирди. Қишлоқ хўжалик ерларини меъёрий баҳолаш натижалари асосан ер солиғи ставкаларини аниқлаш, белгиланган меъёردа ажратилганидан ташқари қишлоқ жойларида уй-жой қуриш ва деҳқон хўжалигига ер бериш, банк томонидан кредит бериш, ер участкаларини ким ошди савдоси (аукционлар) орқали сотиш учун бошланғич баҳосини белгилаш ҳамда қонунда кўзда тутилган бошқа ҳоллар учун қўлланилади. Ерларни иқтисодий жиҳатдан баҳолаш жараёнида айниқса суғориладиган

ерларни баҳолаш муҳим амалий аҳамиятга эгадир. Қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш учун анчагина муҳим ҳисобланган ернинг табиий хусусиятлари бўйича қиёсий баҳоси (тупроқ бонитировкаси) ва қиймат кўрсаткичи сифатидаги меъёрий соф даромад суғориладиган ерларнинг баҳосини аниқлаш учун асос қилиб олинади.

Ер ресурслари давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилиб, вилоят хокимининг биринчи муовини 1999 йил 4 январ кунги тасдиқланган қишлоқ хўжалиги ерларни баҳолашда қўлланиладиган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш интенсивлик даражасининг вақтинчалик миқдори -0.7 маҳаллий шароит кэффицентининг вақтинчалик миқдори - 1,022 қилиб белгиланди. Ушбу массивда пахтачилик асосий тармоқ бўлиб унинг салмоғи 70,3 фоизга тенг.

Ушбу ҳужжатлар ўрганилиб чиқилгандан сўнгра массивнинг харитаси тайёрланди ва унга тупроқ турлари ерларнинг балл бонитетларнинг чегаралари тушириб чиқилди. Ер контурлари майдонига фақат массивда фойдаланиладиган ерлар киритилди. Участка атрофи ва ичидаги жойлашган йўллар, ариқлар, зовурлар билан банд ерлар киритилмади. Шу аниқланган контурлар бўйича кайдномалар тузилди. Ушбу ишлар бажарилиб бўлгандан сўнг ҳисоб–китоб ишлари амалга оширилди, ҳар бир гектар ер майдонини ва жами майдонинг меъёрий баҳолаш.

Ушбу ҳисоб ишлари асосан вилоят «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг сифат, иқтисодий ва қиймат баҳосини аниқлашнинг вақтинчалик қўлланма»си ва асосан Самарқанд вилоят ер ресурслари бошқармаси билан биргаликда «Ўздаверлойиха» институти Самарқанд филиали томонидан тайёрланган дастур асосида бажарилди. Ерларнинг меъёрий баҳосини аниқлаш учун Улугбекмассивида фойдаланаётган барча қишлоқ хўжалик ерлари олинди. Ерларни баҳолаш ишларини бажариш учун энг аввало массивнинг тупроқ бонитировкаси, қишлоқ хўжалик ерлари структураси ва экинлари режаси, массивнинг

жойлашиши ўрни, маҳаллий шароити тўғрисидаги маълумотлар ва бошқа ҳужжатлар тўпланди.

Тошкент вилояти Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан ишлаб чиқилиб, вилоят ҳокимининг биринчи муовини 1999 йил 4 январ кунги тасдиқланган қишлоқ хўжалиги ерларни баҳолашда қўлланиладиган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш интенсивлик даражасининг вақтинчалик миқдори -0.7 маҳаллий шароит коэффицентининг вақтинчалик миқдори - 1,022 қилиб белгиланди. Ушбу массивда узумчилик асосий тармоқ бўлиб унинг салмоғи 70,3 фоизга тенг. Ушбу ҳужжатлар ўрганилиб чиқилгандан сўнгра массивнинг харитаси тайёрланади ва унга тупроқ турлари ерларнинг балл бонитетларнинг чегаралари тушириб чиқилди. Ер контурлари майдонига фақат хўжалигида фойдаланиладиган ерлар киритилди. Участка атрофи ва ичидаги жойлашган йуллар, ариклар, зовурлар билан банд ерлар киритилмади. Шу аниқланган контурлар бўйича кайдномалар тузилди. Ушбу ишлар бажарилиб бўлгандан сўнг ҳисоб–китоб ишлари амалга оширилди, ҳар бир гектар ер майдонини ва жами майдоннинг меъёрий баҳоси аниқланди.

Косон туман Улутбек массив бўйича суғориладиган ерларни иқтисодий
(меъёрий) баҳолаш натижалари

№	КЎРСАТКИЧЛАР	ЎЛЧОВ БИРЛИГИ	ЖАМИ
1	Тупроқ бонитетининг ўртача бали	Балл	51
2	Бир гектар ҳайдалма ердан олинган ялпи маҳсулотнинг меъёрий баҳоси	Минг сўм	327,1
3	Фойда меъёри	Фоиз	15,3
4	Меъёрий соф даромад (2х3):100	Минг сўм	50,0
5	Банк ссудасининг фоизи	Фоиз	5
6	Хўжалик юритиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг интенсивлик даражалари бўйича коэффициент		1,2
7	Бир гектар ернинг базавий меъёрий баҳоси (4х6х100:5)	Минг сўм	1201,2
8	Жойлашган ўрни бўйича коэффициент		1,35
9	Маҳаллий шароит бўйича коэффициент		1,0
10	Бир гектар ернинг меъёрий баҳоси		
11	(7х8х9)	Минг сўм	1621,6
12	Суғориладиган экин ерлар	Гектар	1006,5
13	Ер участкасининг ялпи меъёрий баҳоси	Минг сўм	1632140,4

Ерларни баҳолаш ишларининг якуни бўйича массив тупроғи ўртача 51 балл бўлиб бир гектар ҳайдаладиган экин ерлари ялпи маҳсулотнинг меъёрий баҳоси 327,1 минг сўмни ташкил қилди. Даромад меъёри эса 15,3 фоизга тенг. Бир гектар ернинг базавий меъёрий баҳоси 1201,2 минг сўмни ташкил қилди. Жойлашган ўрни бўйича коэффициент - 1,35, Маҳаллий шароит бўйича коэффициент – 1,0 қабул қилинди. Ушбу аниқланган базавий контурларнинг ва маҳаллий шароит коэффициентлари қўлланиши натижасида хўжаликнинг бир гектар ер майдонини меъёрий баҳосини – 1621,6 минг сўмни ташкил қилди. Самарқанд вилояти Косон туманидаги Улутбекмассивининг суғориладиган ерларининг баҳоси эса 1632140,4 минг сўм қилиб аниқланди.

ХУЛОСА

Республикаимиз бозор иқтисодиётига ўтиш ва ривожланган давлатлар қаторига қўшилиши кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ер ресурсларидан жумладан суғориладиган ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишдан иборат.

Ерларни сифатини иқтисодий баҳолаш ишларининг натижалари ҳозирги даврда айрим соҳаларда зарур барча маълумотларни олиш учун етарли бўлмай қолди. Бунга республикаимизда бўлаётган қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотлар талабларидан келиб чиқиб ёндашув мумкин. Шунинг учун битирув малакавий ишини бажаришда Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирларига, «Ўздаверлойиҳа» институти ер кадастри филиали томонидан «Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни сифати, иқтисодий ва қиймат баҳосини аниқлашнинг муваккат услуби» (1998) дастуридан ва 2007 йилда такомиллашган «Йўриқнома» дан фойдаланилди.

Ер баҳолаш ишларининг якуни бўйича массив тупроғи ўртача 51 балл бўлиб бир гектар ҳайдаладиган экин ерлари ялпи маҳсулотнинг меъёрий баҳоси 327,1 минг сўмни ташкил қилди. Бир гектар ернинг базавий меъёрий баҳоси 1201,2 минг сўмни ташкил қилди. Ушбу аниқланган базавий баҳонинг ва маҳаллий шароит коэффициентлари қўлланиши натижасида массивнинг бир гектар ер майдонини меъёрий баҳосини 1621,6 минг сўмни ташкил қилди.

Улугбекмассивининг барча суғориладиган ерларининг баҳоси эса 1 млрд 632 млн 140 минг 400 сўм қилиб белгиланди. Ҳамма ҳисоб - китоб ишлари якунланиб бўлгандан кейин массив бўйича барча тўпланган

хужжатлар ва тузилган жадваллар ҳамда массив бўйича хужжатлар тўплами яратилади ва массивга фойдаланиш учун тавсия этилади.

Битирув малакавий ишида ерларни меъёрий баҳолаш ва ер ҳисоби ишлари бўйича қўлланилган услублар бошқа массивларда ҳам фойдаланиш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.:Ўзбекситон, 1992.
2. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси” Т.: Ўзбекистон, 1998 (2004 йил ўзгаришлари билан).
3. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. Тошкент, «Адолат», 1999, -446 бет.
4. Аvezбаев С., Волков С.Н., “Ер тузиш иқтисоди”, “Янги аср авлоди”, 2002
5. Дехқон чилик тармоқларида ресурс потенциали ва унинг самарадорлигини аниқлаш бўйича услубий тавсиялар. - Т.: ЎЗР ҚСХВ, 1994. - 15 б.
6. Ер кадастри асослари. Э.Қ. Қурбонов, О.Р. Бобожонов, Қ.Р. Рахмонов. Ўқув қўлланма. Тошкент 1999, - 75 бет.
7. Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” Ўзбекистон. 1995.
8. Нигматов А.Н. Ер ҳуқуқи. / Ўқув қўлланма. Т.: “Тошкент ислом университети”, 2001- 224 б
9. Система земельно-кадастровой информации. Учебное пособие. А.С.Чертовичский. Ташкент, 1989, -76 стр.
10. Толипов Ғ.А., Ғуломов Х.Ғ., Мақсудов Ж.М., Акрамов И.А. Ўзбекистон Республикаси ер кадастри. – Т.: “Ўздаверлойиха” картфабрикаси, 1994.
11. “Тупроқ бонитировкаси ва ерларни иқтисодий баҳолаш” мавзусидаги босқич ишини бажаришга услубий кўрсатмалар. В 621500-Ер тузиш ва ер

кадастри мутахассислиги учун. Тузувчилар Бобожонов А.Р, Тўлаганов М.Ж. Т.:ТИҚХМИИ, 2000

12. Ўзбекистон Республикаси корхона ва ташкилотларидаги қишлоқ хўжалик ерларида қишлоқ хўжалик экинлари ва ер турлари майдонларини инструментал ўлчови бўйича кўрсатмаси. Т.: 2001
13. Усманов М. Ер ва қонун. Тошкент. Адолат, 1994-160 б
14. Хошимжонов М., Ғозиев Х. Суғориладиган ерларни иқтисодий жиҳатдан баҳолаш. - Т. : Меҳнат , 1996 - 86 б.

Интернет сайтлари

www.kadastr.uz

www.gkz.uz

www.uz

www.ziyonet.uz

www.geodez.ru

www.kadastr.ru

Иловалар